

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ва Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси (ACTRAV) қўшма тадбирлар режасига асосан «Заковат» интеллектуал баҳси ўтказилди.

У халқаро муносабатларнинг изчиллиги, ҳамжиҳатлик асосида ташкил этилгани билан аҳамиятли бўлди. Беллашуларда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмасига тааллуқли корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган 70 нафар ёш йигит-қизлар ва уларнинг 14 нафар раҳбари иштирок этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Анваржон Абдумухторов Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг ХМТ билан сўнгги йиллардаги тизимли ва самарали ҳамкорлик алоқаларига тўхталиб, касба уюшмалари ёшларига омад ва зафарлар тилади.

Сўзга чиққан БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси масъул ходими Р.Юнусов ва ХМТнинг меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси катта эксперти Г.Александрия Ўзбекистонда ёшлар сийсати бора-бора ислохотлар, ёш авлод вакиллари учун яратилган имконият ва имтиёзлар, касба уюшмаларининг ёшларга кўрсатаётган эътибори жакон ҳамжамиятида катта қизиқиш ва ҳавас уйғотаётганлигини таъкидлади.

Давлат хизматлари агентлигида ишловчи қорақалпоғистонлик Маржона Сиддиқова ўйин таассуротлари ҳақида сўзлар экан, жумладан, шундай деди:

– Тадбир юқори интеллектуал савияда ташкил қилинибди. Кишини ўйлантирадиган саволлар ҳам кўп бўлди. Айниқса, дунёдаги илк касба уюшмалари тарихи, фаолияти



ТОҒЛАР БАҒРИДАГИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БАҲС

касба уюшмаларининг 84 нафар ходими билимлар «жанги»да қатнашди

бўйича қизиқарли саволлар берилгани менга ёқди. Ютқазганимиздан асло тушунликка тушмадик. Бўстонликдаги кунларимиз бизга ҳордик ва тажрибалар билан ёрқин таассуротлар қолдирди.

Тадбирда Навоий вилояти жамоаси 1-, Хоразм вилояти жа-

моаси 2-, сирдарёликлар жамоаси 3-ўринни қўлга киритди. Ғолибларга махсус кубок ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

– Ўғил-қизларимиз дунёқарашини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этадиган бу каби интеллект баҳсида тобланган ёшлар

Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида садоқат билан хизмат қилиш билан бирга, жойларда меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар учун адолатли меҳнат шароитларини яратиш каби масалаларда ҳам касба уюшмаларининг энг яқин ҳамкори ва фаол-

ларига айланишлари, шубҳасиз, – деди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси маслаҳатчиси Ҳаётжон Шарипов.

Мафтуна КАРИМОВА,
Қувончбек ТУРАЕВ (фото),
«ISHONCH» муҳбирлари

ҒАЙРИҚОНУНИЙ БУЙРУҚ

50 000 000

СЎМГА ТУШДИ

Қува тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Нодиржон Комилов иш берувчининг ғайриқонуний буйруғи сабаб икки марта ишдан бўшатилади. Қизиғи, суд ишга тикласа, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги уни ишдан бўшатишдан чарчамди.

Нодиржон Комилов биринчи бор суднинг 2023 йил 23 майдаги қарори асосида ишга тикланади. Орадан беш ой ўтиб, вазирликнинг 2024 йил 9 январдаги буйруғи билан яна Қува тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими лавозимидан озод қилинади.

Начора Нодиржон Комилов кўмак сўраб Ўзбекистон касба уюшмаси Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига такроран мурожаат қилди. Касба уюшмалари унинг манфаатларини кўзлаб судга даъво-ариза киритди.

Суд жараёни узоқ вақт давом этди. Ниҳоят, шу йил 26 июндаги ҳал қилув қарори билан иш берувчи томонидан қабул қилинган буйруқлар ноқонуний деб топилиб, Нодиржон Комилов қайта ишга тикланди ва унинг фойдасига мажбурий бекор юрган кунлари ва маънавий зарар учун вазирликдан 50 миллион сўм ундириш белгиланди.

Орзигул ҚОЗИХОНОВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти Кенгаши раиси ўринбосари

Кейинги пайтларда юртимизда йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида кўплай кўнгилсизликлар рўй бермоқда. Ана шундай кўнгилсиз ҳодиса туфайли Республика ўлат профилактикаси маркази Қорақалпоғистон филиали томонидан хизмат сафарига жўнатилган автомашина ҳалокатга учраб, дезинфекторлардан бир нафари вафот этган бўлса, иккинчиси оғир жароҳат олди. Биолог эса III гуруҳ ногиронига айланиб қолди.

Ушбу иш бўйича олиб борилган текширув натижаси шуни кўрсатдики, етказилган зарар иш берувчи томонидан вақтида тўлаб берилмаган. Жумладан, вафот этган ходимнинг оиладаги боқувчисини йўқотган онаси, турмуш ўртоғи ҳамда вояга етмаган қизига тўланиши зарур бўлган тўловлар эгаларига етиб бормаган. Онасига бир йўла нафақа учун 85 миллион 317 минг 530 сўм, ойма-ой тўлов бўйича 6 ойга тўланмаган нафақалари бўйича 5 миллион 76 минг 914 сўм, турмуш ўртоғига эрининг маърақасига 8 миллион сўм, бир йўла нафақа учун 112 миллион 189 минг 856 сўм, қизига 85 миллион 317 минг 530 сўм ва ойма-ой тўлов юзасидан 6 ойга тўланмаган нафақаси учун 5 миллион 76 минг 914 сўм, жами 300 миллион 978 минг 744 сўм тўланиши керак бўлган сумма ҳам тўланмаган.

Шунингдек, оғир жароҳат олгани оқибатида III гуруҳ ногирони бўлиб қолган ходимга бир йўла нафақа учун 132 миллион 261 сўм, ногиронлиги бўйича тўланадиган 3 ой қарздорликка


НАФАҚАЛАР УНДИРИБ БЕРИЛДИ



8 миллион 644 минг сўм, жами 140 миллион 905 минг сўм ҳамда оғир жароҳат олган бир нафар ходимга бир йўла нафақа учун 60 миллион 240 минг 424 сўм маблағлар Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон бўйича меҳнат техник инспектори кўрсатмаси билан иш берувчидан ундириб берилишига эришилди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: юзага келган муаммони аччиқ ичакдек чўзмай жойида хал қилиш мумкин эмасми?

Пўлат АБДИЯЗОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон бўйича меҳнат техник инспектори



1 августдан нималар ўзгаради?

Ўзбекистон қонунчилигида 2024 йил 1 августдан бир қатор ўзгариш ва янгиликлар кучга киради. Қўйида ушбу санадан кучга кирадиган асосий ўзгаришлар тақдим этилмоқда:



Автомобиль рақамлари тасодий танлаш йўли билан берилди.



Электр энергиясини ҳисоблашнинг янги биллинг тизими жорий этилади.



Тиббиёт чиқиндиларидан муқобил иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.



Айрим объектлар худуднинг зилзилабардошлигидан қелиб чиқиб лойиҳаланади ва қурилади.




Мастер-режа худуддаги ерлар аукционга чиқарилади.



Айрим кредитлар бўйича кластер таъсисчиларининг шахсий кафилиги расмийлаштирилади.



Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институти суд экспертизаларини ўтказди.



Талабалар ётоқхоналарига жойлашиш учун онлайн аризаларнинг қабули бошланади.

«Ўзгидромет»нинг хабар беришича,

1 август куни

юртимизнинг баъзи жойларида ҳарорат

44

даражагача кўтарилади.





КЎЗИ ТЎРТ, ҚАЛБИ ИНТИҚ БЎЛГАН АЁЛЛАР

Мурожаатлар ортидан

Мамлакатимизда аёлларни қадрлаш, уларнинг муаммолари ечимига кўмаклашиш – давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Сўнгги йилларда ҳаётга жорий этилган «Аёллар дафтари», «Темир дафтар» каби ҳужжатларнинг кўп оилаларга ёруғлик олиб киргани, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар сўзимизга мисол.

Шуниингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммоларига кўмаклашувчи 1211 «Ишонч телефони» ҳам кўплаб хотин-қизлар мушкуллини осонлаштиришга хизмат қилаётир. Масалан, Гузор туманидаги Амир Темури номидаги маҳаллада яшовчи Шароф Хўжамуродова кўнғирок қилиб, отасининг бир кўзи кўрмай қолгани, операция қилдиришга имкон тополмаётганини билдирган эди. Мурожаат Қашқадарё вилояти ҳокимлигига йўналтирилганди. – Яқинда Қарши шаҳрида кўз шифокорлари отамни кўриқдан ўтказишди ва бепул жаррохлик амалиёти амалга оширишини билдиришди, – деди Шароф. Вазият ҳақида ахборот бериб. – Улар бу амалиётни ёзининг иссиғида эмас, кунлар салқинлаганда қилиш мақсадга мувофиқлигини ҳам айтишди. Бу орада «ордер»га ҳам ариза топшириб қўйдик... «Ишонч телефони» шу тарихқа қўнғирок қилиб, турмуш ўртоғи вафот этгани, икки нафар фарзанди борлиги, тўнғичи II гуруҳ ногирони эканини билдириб, уни даволатиш учун 24 миллион сўм моддий ёрдам сўраган. Мурожаат жорий йилнинг 23 майда вилоят ҳокимлигига ижро учун йўналтирилган. Бироқ 17 июль ҳолатига кўра, хали касаба уюшмалари Федерациясига мурожаат юзасидан жавоб қайтарилмаган.

Шуниингдек, Чироқчи тумани «Олтин дала» маҳалласида яшовчи Санобар Ражабова 1211 телефонига боғланиб, саломатлиги яхши эмаслиги, яқинда жаррохлик амалиёти ўтказгани, муолажани давом эттиришга маблағи йўқлигини билдириб, кўмак сўраган. Бу мурожаат ҳам 25 июнда вилоят ҳокимлигига ижрога йўналтирилган ва 2024 йил 17 июлга қадар жавоб олинмаган. Касаллик кутиб турмайди-ку. Вақтида даволанмаса, беморнинг ахволи баттар бўлмаслигига ким қафиллик беради? Бизга маълум қилишчи, айнан 17 июлгача Қашқадарё вилояти ҳокимлигидан мuddати ўтган жавоблар қарздорлиги 21 тани ташкил этар экан. Мурожаатлар мазмуни билан танишарканмиз, уларнинг турли мавзуларда экани эътиборимизни тортди. Масалан, Касби тумани, «Фазли» маҳалласида яшовчи Рухсора Полвонова уч нафар фарзанди борлиги, боқувчиси йўқлиги, қийналиб яшаётгани ҳақида билдирган. Сўнгра ўзини ўзи банд этиш учун тикув машинаси сўраб, мурожаат қилган. Қамаш туманининг «Қишлик» маҳалласида яшовчи Дилнавоз Аширова эса турмуш ўртоғи вафот этгани, икки нафар қизи билан томи ёпилмаган уйда яшаётганини билдириб, уни ёпишда, кўчасига симёғоч ўрнатиб, хонадонига электр сими тортишда ёрдам сўраган. Бу мурожаат ҳам вилоят ҳокимлигига юборилган. Биз Дилнавоз билан боғланганимизда, у Қамаш тумани ҳокимлигининг қурилиш бўйича мутахассислари уйга келишганини, битмаган уйни қўриб, ўлчамларини олиб кетишганини маълум қилди. Уйга электр токи ўтказиш масаласида эса туман электр таъминоти корхонаси мутахассислари ваъда беришдан нарига ўтмаётганини эслатиб ўтди. – Уч йил ижтимоий ётоқхонада яшадим, – дейди у. – Қизларим улғаймоқда. Тўнғичим 15 ёшга кирди. Шуниинг учун уларнинг келажагини ўйлаб,

ётоқхонадан чиқишга қарор қилдим. Уёқ-бўёқда ишлаб, озроқ пул жамғарганим. Шунга тўрт хонали уй солдим. Паҳсаси битди, лўмбоз қилинди. Тომини ёпиш, эшик-дараза қўйишга келганда моддий жиҳатдан қийналиб қолдик. Шу боис давлатдан ёрдам сўраганим. – Сизни «Аёллар дафтари»га киргизишмаганми? – сўрайман ундан. – Киргизишганим. Шунинг орқасидан тикув машинаси беришди. Аммо ҳозир уйимда электр токи йўқлиги учун уни ҳам ишлата олмаяман... Ҳа, ҳаммада ҳар хил дард. Косон тумани «Кўнғиртоғ» маҳалласида яшовчи I гуруҳ ногирони Феруза Пардаева уйини таъмирлашда кўмак сўраган. Раҳимсўфилик Дилнавоз Сувонова эса «жаррохлик амалиёти»ни бошидан ўтказгани, ҳар уч ойда даволаниб туриши зарурлиги, фарзанди ҳам беморлигини билдириб, моддий ёрдам олиш илнжидида кўнғирок қилган. Қарши шаҳридаги «Бўстон» маҳалласида яшовчи Майсара Ражабова ногирон. Турмуш ўртоғи ишга яроқсиз. Унга ҳам даволаниши учун ёрдам зарур. Касби тумани, «Оққамиш» маҳалласида истиқомат қилувчи Севара Содиқова II гуруҳ ногирони. У бир боласи билан тўрт йилдан буюн ижара-ижара сарсон. Эмин-эркин яшаш учун уй-жойга эҳтиёжманд... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Зеро беморликдан, ночорликдан қийналган хотин-қизлар кўзи тўрт бўлиб, эшикка қараб, мурожаатларига жавоб ва амалий ёрдам кутишмоқда...

Акмал АБДИЕВ «ISHONCH»



? Сўранг, жавоб берамиз...

ИШЛОВЧИ ПЕНСИОНЕРЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛИ ТАЪТИЛ БОРМИ?

САВОЛ: Ишловчи пенсионерман. Меҳнат таътилга чиқаганим бўлсам, давомийлиги узайтирилган ёки бошқа турдаги имтиёзи бор меҳнат таътили олишга талабгор бўлишим мумкинми?

Тамара ҒАНИЕВА

Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: Меҳнат кодексида иш берувчи билан тузилган шартномаси асосида фаолиятини амалга ошираётган ходимлар учун таътиллари кўйидаги турлари назарда тутилган: ҳар йилги меҳнат таътили, ижтимоий таътиллари, иш ҳақи қисман сақланадиган таътил ва иш ҳақи сақланмайдиган таътил. Ҳар йилги асосий энг кам меҳнат таътиллари давомийлиги йигирма бир календарь кунни ташкил этади. Қонунчиликка мувофиқ ходимнинг ёши ва соғлиги ҳолати ҳисобга олинган ҳолда ҳар йилги асосий узайтирилган таътил ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга ўттиз календарь кундан иборат ҳолда берилди. Шуниингдек, Меҳнат кодексига ходимларга қўшимча таътиллари бериш ҳам белгиланган бўлиб, меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ёки ноқулай табиий-ик-

лим шароитларида иш бажарётган ёхуд битта ташкилотда ёки тармоқда кўп йиллик иш стажига эга бўлган қўшимча таътил олиш ҳуқуқига эга бўла оладилар. Юқорида баён этилганлардан кўринадики, ишловчи пенсионерлар учун давомийлиги узайтирилган ёки бошқа турдаги имтиёзли таътиллари қонунчиликда алоҳида белгиланмаган. Лекин таъкидлаш жоизки, қонунчиликда белгиланганларидан ташқари, ҳар йилги асосий узайтирилган таътил билан қонунчилик билан қафо-латланган давомийлигига нисбатан кўпайтириш жаммо келишувларида, шуниингдек, жаммо шартномасида, ички ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилиши мумкин.

Ҳуқуқ ва ҳалқаро ҳаёт бўлими

УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАР

Навий вилояти Зарафшон шаҳридаги «Зарафшон» болаларни соғломлаштириш оромгоҳи болажонларнинг жон-дили. Шаҳардан 6 километр узоқликда жойлашган бу масканда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 2160 нафар бола соғломлаштирилиши режалаштирилган. Шуниингдек, ҳар мавсумда оилавий болалар уйи тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг 80 нафардан фарзанди ҳордиқ чиқаради.

Жорий йил ёз мавсумида оромгоҳга 74 нафар ходим жалб қилинди. Уларнинг 41 нафари тарбиячи, 20 нафари етакчи, 4 нафари тўғарақ раҳбари, 1 нафари бош тарбиячи, 1 нафари бош етакчи, 1 нафари кутубхоначи, 2 нафари сузиш бўйича йўриқчи, 2 нафари спорт мураббийси ва 2 нафари мусиқа раҳбаридир. Шуниингдек, 2 нафар шифокор ва 7 нафар ҳамшира ҳам болажонлар соғлигини назорат қиляпти. – «НҚМК жамғармаси» давлат муассасаси «Зарафшон» ҳудудий бошқармасига қарашли «Зарафшон» болаларни соғломлаштириш оромгоҳидаги бой китоб захирасига эга кутубхонада, бадий, илмий, замонавий жанрларга хос 2400 тадан ортиқ адабиётлар, рисоалар, журналлар ва газеталар, – дейди катта тарбиячи Фаррух Ҳамидов. – Яна шуниингдек, болалар маънавиятини юксалтиришга қаратилган бадий, илмий-оммабоп фильмлар, мультфильмлар, роликлар билан таъминланган. Интернет тармоғига уланган компьютер хонаси, хореография зали, вокал хонаси, оқик ва ёпиқ спорт майдончалари, энг замонавий услубларда барпо этилган сузиш ҳавзаси, қўлай ва шинам ётоқ бинолари, маза ва дармондориларга бой таомлар тайёрланадиган ошхона болажонлар хизматида. Оромгоҳда инглиз тили, расм, шашка, шахмат, моҳир қўллар, компьютер ўйинлари каби тўғарақлар бор. Болажонлар учун турли викториналар, танловлар, мусобақалар, назм ва наво кечалари ташкил этилмоқда. Ҳар мавсумда «Оромгоҳда беш ташаббус», «Касблар билан ҳамнафас», «Ёш китобхон», «Спорт – саломатлик кунин», «Инглиз тили кунин», «Севимли қахрамоним ёхуд эртақлар кунин», «Ёш режиссёр», «Турли миллатларнинг миллий рақслари», «Бизнинг буюк аجدодларимиз», «Ватанимга хизмат қиламан» шиори остида турли тадбирлар уюштирилади. – Бу йилги ёзги таътил мен учун эсда қоларли бўляпти, – дейди ҳаяжон билан Зарина Примова. Оромгоҳдаги ҳар бир кун Зарина сингари барча болажонлар учун унутилмас кунга айланыпти. Бу ерга бир марта келган бола келгуси йил ҳам келишга интилиши ҳам аслида шундан.

Ўз мухбиримиз



Ёзги соғломлаштириш

ЧИҚИШЛАР БАРЧАГА МАНЗУР БЎЛДИ

– Саҳна ўртасида рақсга тушаётган болакайнинг исми Анвар. У оромгоҳимизга биринчи марта келганида одамови, ҳеч ким билан гапашмас эди. Бу сафар у масканимизда иккинчи бор дам олмақда. Тенгдошлари даврасида шўх болакайга айланди. Ота-онаси ҳам ундаги ўзгаришдан хурсанд, – дейди «Норин» оромгоҳи тарбиячиси Умидахон Мирзаолимова.

Болаларнинг кичик ютуғидан ҳам фахрлана оладиган, уларга меҳрини бериб ҳар мавсумни эсда қоларли тарзда ўтказишга ҳаракат қилаётган тарбиячи педагоглар жамоаси жамулжам бўлган оромгоҳда айни мавсумда 200 нафарга яқин ўғил-қиз дам олмақда. Кези келганда айтиш жоизки, тўртинчи мавсумнинг очилиши ғоятда кўтаринки кайфиятда ўтди. Унда Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг вилоят бошқармаси бошлиғи Муҳаммадзокир Маматхонов энг яхши тарбиячиларга республика департаменти раҳбарининг ташаккурнома ва эсдалик совгаларини тақдим этди. Ҳар бир гуруҳ тарбиячилари жонқуярлигида саҳналаштирилган куй-қўшиқ ва ижод намуналари, айниқса, жажжи қизалоқлар томонидан ижро этилган рақслар барчага манзур бўлди.

Орзугул РУСТАМОВА «ISHONCH»

«ОҚ КАБУТАР»ДАГИ ЁРҚИН ЛАҲЗАЛАР

160 нафардан зиёд ўғил-қиз ҳордиқ чиқараётган Тўртқўл туманидаги «Оқ кабутар» оромгоҳида журналистика, компьютер, бичиш-тиқиш, шахмат-шашка, расмчилик, робототехника тўғарақлари фаолият олиб боряпти.

Ўғил-қизларнинг қай бирлари ўзлари чизган расмларини оналарига юборсалар, қай бирлари шашкада ғолиб бўлганидан хузуруланишга, бошқалари эса компьютерни ўрганаётганидан шод. Бош етакчи Дилфуза Аллақулованинг қулиб турган меҳр тўла кўзлари ўғил-қизларга кун бўйи хуш кайфият улашса, ширин таомлар тановулидан сўнг кутубхона томон ошиққан китобсеварлар ўзи мутолаа қилган асар таассуротини ўртоқларига сўзлаб чарчамайди. – Нукус туманидан келганман. Яшил табиат, самимий инсонлар муомаласи мени янги дунёга олиб киргандек бўлди. Нафақат мен, балки дам олаётган барча болажонларнинг қувончи чексиз, – дейди етакчи тарбиячи Гулайим Омарова. Ёзги соз ўтказиётган ўғил-қизларимиз яратилган шароитлардан мамнулигини таъкидлаш асноси Гулноза ва Дилноза Жаббарбергенова, Шахноза Султанова, Асал Вафоева, Ойжон Бобожоновадек етакчи тарбиячиларнинг меҳнатларини эътироф этишди.

Фотима АБДУРАИМОВА «ISHONCH»

МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАЁТГАН ТАНЛОВЛАР

Мамлакатимиздаги юздан зиёд стационар оромгоҳларда болаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларни спортга кенг жалб этиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Бу борада Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти ташаббуси билан «Ёз – ўтмоқда соз!» шиори остида ўтказиляётган «Онажон», «Иқтидор» ва «Ёш қизиқчи болажон» танловлари муҳим аҳамият касб этапти. Қувонарлиси, мазкур танловларга оромгоҳлар томонидан 200 дан ортиқ қизиқарли видеороликлар тайёрланиб, ижтимоий тармоқдаги «O`zbekiston oromgohlari» телеграм каналига юкланган эди. Бугунги кунгача уларни 50 миңдан кўпроқ ота-оналар кўриш ва ўз баҳоларини беришга муваффақ бўлишди.

Танловлар жараёни ҳамда видеороликлар оммавий-ахборот воситалари ва веб-сайтимизда кенг ёритилди. Ғолибликка муносиб деб топишган болажонлар Департамент томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шахноза ЖўРАЕВА, Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси

Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташири воҳа ижтимоий-иқтисодий тараққийнинг муҳим драйверлари, жумладан, туризм истиқболларини белгилаб бергани билан аҳамиятли бўлди.

Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра, дунё миқёсида ялпи ички маҳсулотининг 10 фоиздан ортиғи, инвестицияларнинг 7 фоизи, солиқ тушумларининг 5 фоизи, истеъмолчилик харajatларининг 11 фоизи ва янги яратилаётган ҳар 16 та иш ўрнидан биттаси айнан туризм ва меҳмондўстлик индустрияси ҳиссасига тўғри келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг эътибори билан Ўзбекистон дунё учун очилди, бой тарихимиз, маданиятимиз, бугунги кунимиз билан танишиш истагида бўлганлар саёҳат қилиши учун барча шароитлар яратилди. Бугунги кунда 93 та хорижий давлат фуқаролари учун визасиз кириш, 56 та мамлакат аҳолиси учун электрон кириш визаси, 47 та давлатга беш кўнлик транзит визасиз кириш, шунингдек, 76 та давлат ватандошлари учун туристик виза беришнинг энгиллаштирилган тартиби амал қилмоқда.

Туризм – ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-маданий аҳамиятга эга кенг қадровли соҳа. У даромадлиги бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Яна бир муҳим томони, кам харажат билан кўп иш ўринлари яратиш имконини беради. Шу жиҳатдан мамлакатимиз учун, хусусан, Бухоро вилояти учун мавжуд туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда жадал амалга оширилаётган ислохотлар натижаси барча тармоқлар қатори туризм соҳасида, энг муҳими эса, аҳоли турмуш даражасида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Бундан кўра кўрсаткичлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, 2016 йил якунида Бухорога 169 минг 600 нафар хорижий турист келган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 8 бараварга ошди, 1 миллион 387 минг нафарни ташкил этди. Мос равишда туризм хизматлари бўйича хорижий валюта тушуми 2017 йилга нисбатан 9 бараварга ошди, 339,1 миллион долларни ташкил этди.

Вилоятлараро транспорт-логистика имкониятларининг кенгайиши, инфратузилмнинг ривожланиши, узайтирилган дам олиш кўндаларининг ташкил қилиниши маҳаллий туристлар оқимига ҳам сезиларли таъсир кўрсатиб, 2023 йилда республика ҳудудларидан Бухорога ташир буюрганлар сони 3,5 миллион нафардан ошди.

Меҳмонхоналар сони қарийб 5 мартага ортиб, 541 тани, меҳмон ўринлари сони 4 бараварга ошди, 14 мингтани ташкил этмоқда.

ТУРИЗМ

САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ОШАДИ



116 та юқори сифатли ресторан, 307 та туристик автобус ва микроавтобуслар меҳмонларга хизмат кўрсатмоқда. Туристик компаниялар сони 142 тага етди, турли хорижий тилларни пухта эгаллаган гид-ҳамроҳлар сони 305 нафардан ортиди. Шунга яраша, туризм тармоғида иш билан банд бўлганлар сони 2016 йилга нисбатан (атиги 3,5 минг нафар) қарийб 15 бараварга кўпайиб, 52 минг нафарга тенглашди.

Бухоро халқро аэропортига тўғридан-тўғри ва чартер авиакатновлар сони 7-8 бараварга ошди. Туркия ва Россия шаҳарларига тўғридан-тўғри авиаларвозлар йўлга қўйилди. Шу билан бирга, Франция, Англия, Швейцария, Венгрия, Япония, Исроил, Покистон, Саудия Арабистони, Дубай, Қатар, Мальта, Озарбайжон, Беларусь, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон йўналишларида чартер авиакатновлар амалга оширилмоқда. Афросиёб теъжорат поезде қатнови 2 мартага кўпайтирилди.

Бухорода зиёрат туризми бўйича мавжуд жуда катта салоҳиятни эътиборга олиб, давлат раҳбарининг бевосита ташаббуси билан

Етти пир зиёратгоҳлари тўлиқ қайта реконструкция ва реставрация қилинди, зиёрат амалларини бажариш учун барча шароитлар яратилди. Уларда замонавий меҳмонхоналар ишга тушди. Шунинг ҳисобига зиёратчилар оқими 5-6 бараварга кўпайди.

2019 йилда ўтказилган I халқаро «Зиёрат туризми» форуми якунида Ўзбекистонни зиёрат туризми марказларидан бири сифатида эътироф этиш тўғрисида Бухоро декларацияси қабул қилинди. Шу йилнинг ўзида Хитойда бўлиб ўтган Евросиё иқтисодий форуми доирасида Пойи Калон мажмуаси «ШХТнинг саккизинчи мўъжизаси» рўйхати киритилди.

Мусулмон оламида «Қуббатул Исло» ва «Гумбази Исло» дея сифатланиб келувчи қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳри Ислол ҳамкорлиги ташкилоти (ИХТ)га аъзо давлатлар маданият вазирларининг 9-ажумани қарорига кўра, 2020 йилда Қоҳира (Миср) ва Бамако (Мали) шаҳарлари қаторида Ислол олами маданияти пойтахти сифатида эътироф этилди.

2022 йилда ўтказилган «Декларация-

лар мулоқоти» халқаро форуми якунида Ўзбекистон ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг эътиқод эркинлигини тарғиб қилиш бора-бора «Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик» йўналиши бўйича Бухоро декларацияси қабул қилинган, яна шу йилнинг ўзида Бухоро шаҳрининг «Туркий дунёнинг ёшлар пойтахти» деб эътироф этилган жаҳон ҳамжамияти томонидан илқ қутиб олинди. Шу йили Бутунжаҳон Хунармандчилик кенгаши томонидан Бухоро шаҳрига «Бутунжаҳон хунармандлар шаҳри» мақоми берилди.

2023 йил ноябрь ойида Бухоро ЮНЕСКОнинг нуфузли «Ижодкор шаҳарлар тармоғи» дастурига қўшилиб, мазкур дастурнинг «Амалий безак ва халқ санъати» йўналиши бўйича рўйхатга киритилган Марказий Осиёдаги илк шаҳар бўлди.

Бироқ Президентимиз ўринли қайд этганидек, Бухородек «очик осмон остидаги музей шаҳар» учун, улкан туристик потенциалга, жумладан, бой урф-одат ва анъаналарга, моддий-маданий меросга, ранг-баранг иқлимга эга вилоят учун бу кўрсат-

Таъхил

кичлар ҳали жуда ҳам кам.

Биргина Бухоро шаҳрининг ўзида туристик маршрутга кириши зарур бўлган юзлаб тарихий масканлар, этнографик ва гастрономик туризм дурдоналари мавжуд. Виллоят туманлари бўйлаб табиат ва инсон мўъжизалари сифатида дунёга келган ўнлаб табиий ва тарихий манзиллар борки, уларнинг имкониятларидан фойдаланиш воҳада туризмнинг кескин ривожланишига замин яратади.

Шу мақсадда Президентимиз ташир давомида Бухоро шаҳрида «Боқий Бухоро маданий-этнографик парк»ни барпо этиш; айна пайтдаги аэропортдан 3 баробар кўп қувватга эга, умумий лойиҳа қиймати 226 миллион долларлик янги замонавий халқаро аэропорт қурилишига киришиш; «Тўдақў сув ҳавзаси бўйида «Аква парк», «Пляж зона»лари ва сайлқоҳлар ташкил этиш бўйича «мастер режа» ишлаб чиқиш; 30 дан ортиқ маданий мерос объектларида реставрация, таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш ва уларни туристлар ташири учун тайёрлаш; Фарғона водийсидан ҳафтабига 3 марта тўғридан-тўғри авиакатновларни йўлга қўйиш; Бухоро шаҳридаги Марказий истроҳат боғи, бозор ва кўл ҳудудида жозибадор туризм мажмуаси, Жондор тумани Зарафшон дарёси бўйида туризм сайлқоҳи, Гиждувон туманида «Қўрғон» туризм маҳалласини ташкил этиш бўйича муҳим вазибаларни белгилаб берди.

Президентимизнинг ишончи ва юқорида қайд этилган ишларни рўёбга чиқаришнинг аниқ молиявий манбалари белгилаб берилгани вилоятдаги соҳа мутасаддилари олдида муҳим вазибаларни қўяди, албатта. Шунга кўра, вилоятда туризмнинг мавжуд катта имкониятларини эътиборга олиб, 2030 йилга туристлар сонини 10 миллион нафардан ошириш ва бунда хорижий сайёҳлар сонини 5 миллион нафарга етказиш, 2,5 миллиард доллар қийматида туризм хизматлари кўрсатилишини таъминлаш энг муҳим мақсад сифатида белгилаб олинди.

Зеро, соҳани янада ривожлантириш орқали халқнинг турмуш тарзини яхшилашга эришилиши, аҳолининг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиши бў жараёндаги энг муҳим ижтимоий-маданий омилдир.

Ботиржон ШАХРИЁРОВ,
Бухоро вилояти ҳокимининг туризм, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари

Иш биланга минг танга

Туманда 24 мингдан зиёд хонадонларда 3 670 гектар томорқа ерларидан унумли фойдаланилмоқда. Эртаки экинлардан 43 585 тонна, жумладан, 21 037 тонна сабзавот ва 7976 тонна полиз маҳсулотлари етиштирилди. Айни пайтда такрорий экинлар парваришланмоқда.

ҚУМРАБОТГА БИР КЕЛИБ КЕТИНГ

Навоий вилоятини саҳро бағридаги гўзал келинчакка қиёслаш мумкин. Унинг бетақор мўъжизалари эса кишини ҳайратга солади. Дарёдил, содда ва самимий одамларининг нигоҳлари сезилиб, бепоён саҳроларидан улғу аждодларнинг жасорат ва мардлик нидолари янграб туриши ҳар қандай юксак таърифга тавсифга лойиқ.

Вилоят деҳқончилиги учун жуда қулай ҳудудда жойлашган. Суви мўл, тупроғи серҳосил. Кишлоқдаги ҳар бир оиланинг ўртача 8-10 сотих томорқаси бўлиб, деҳқончилик маданияти ҳам йилдан-йилга янги босқичга кўтарилиб бораётгани бежиз эмас. Қонимек туманининг «Юксалиш» маҳалласида шундай бир оила борки, у 12 сотихлик томорқа ишлари учун қўшимча 3 та доимий иш ўрни ҳам яратган. Бундан ташқари, мавсум палласи яна 10 нафар ишчи ушбу хонадондаги томорқа ишларига қўмақлашиб, яхшигина пул ишлаб олади.

«Юксалиш»нинг Қумрабат кишлоғидаги мазкур оилани ёшу қари бирдек танийди. Турли дов-дараклар, турфа гуллар, хушманзара табиат кўнглингизни нурашон этади. Турмуш ўртоғим ва мен давлат ишида ёки бирор хусусий қорхонада ишламаймиз, – дейди хонадон соҳибаси Фароғат Нурмуратова хосилга кирган дарахтлар гурилариб ўсаётган қўчатларга ишора қилиб. – 12 сотихлик томорқамизнинг 2 сотихида ўз маблагимиз ҳисобига иссиқхона ташкил қилганмиз. Унда дастлаб, помидор, бодринг етиштириб сотдик. Кейин лимончиликка ўтдик. Ҳозир иссиқхонамизда апельсин, лимон, мандарин, банандан иборат жами 30 туп дарахт бор. Уларнинг кўпи 5 йиллик бўлиб, учинчи йил ҳосил бериши. Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида яқинда туман ҳокимлиги ва маҳалла қўмағи билан 7 йил муддатга 100 миллион сўм имтиёзли кредит олдик. Бундан ташқари, соғин сигиримиз бор. Сут маҳсулотларининг ҳаммаси ўзимиздан чиқади. Рўзғордан ортганини сотамиз.

Парранда боқамиз, асарчилик билан шуғулланамиз. Томорқанинг бир томонида ям-яшил бўлиб ўсаётган антиқароқ қўчатларга кўзимиз тушиди. Деҳқон оиланинг айтишича, булар Корейдан келтирилган «Қора шахзода» навли қулпнавай қўчатлари экан. Хонадон эгалари 4 йилдан буён уларни етиштириб, ҳам қўчатини, ҳам хосилни сотишар экан. Жорий йилнинг ўзида биргина қулпнавайдан 100 миллион сўмдан ортиқ даромад олишқобди.

Томорқадаги дарахтлар ҳам кўзни қувнатади. Олма, гилос, ёнғок, шафтоли, беҳи, ўрик, узум... Дарахтлар 60 тупдан ортиқ. Шу ерда билдикки, томорқани томчилатиб сўғориш йўлга қўйилгани қони фойда экан.

– Томорқамизни оқова сув билан сўғорса, қарийб 10 тонна сув кетади, – дейди хонадон соҳибси Суннат Ҳамдамов. – Томчилаб сўғориш орқали эса 500 литр сув сарф бўлади. Вақт ҳам тежалаяди. 2 соатда тўлиқ сўғориб бўламиз. Меҳнати кам. Ҳозир гилос қўчатлари етиштиряпмиз. Эрта баҳорда бозорга олиб чиқамиз. 30-40 минг қўчатга буюртма олганмиз. Нафақат туманимиздан, балки қўшни вилоятлардан ҳам буюртмачиларимиз бор.

Бир ой бўлди «Озодбек Камола» номли ЯТТ очдик. Энди деҳқончиликни тадбиркорликка айлантириб, иш ўрнини янада кўпайтирамиз. Ернинг ўзидан бир йилда 130-150 миллионгача даромад қиламиз. Даромадимиз орқасидан ҳовли қилдик, фарзандларимизни ўқитаяпмиз.

Суннат ака ва Фароғат опа икки ўғил фарзандни ана шундай ҳалол меҳнат билан ўстириб, камолга етказишмоқда. Уларнинг катта ўғли оли 5 ўқув юртида тахсил олмоқда. Уқийшдан бўш вақтларида деҳқончилик ишларида ота-онасига яқин қўмақчи. Қичқ ёғиллари эса тумандаги ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқийди.

Сув, ер ва ҳаво бир, лекин ушбу ҳовлига қўшни хонадонларнинг аксариятида бундай таъриба йўқ. Ханузгача уша хонадонларда деҳқончилик маданияти оқсаётгани ҳам гоътада ачинарли ҳолидир. Улар бўш томорқаси бўла туриб, бозордаги сотувчининг қўлига қараб яшяаптилар. Ҳокимият вакиллрининг айтишича, «Бир қўча – бир хонадон» тамойили асосида деҳқончилик орқали ўзини ўзи банд қилиш таърибасини ҳаётга татбиқ этиш, ер билан тиллашиш сирларини маҳалладаги ишсиз ёшлар ҳамда фуқароларга ўргатиш мақсадида шу хонадонда махсус ўқув марказ ташкил этиш режалаштирилган. Марказда Суннат ака ва Фароғат опа, шунингдек, тумандаги томорқачилик бўйича мутахассислар келиб назарий билим беришади. Тингловчилар шу ернинг ўзида амалий кўникма ҳосил қилишади.

Ҳа, чин деҳқон ернинг қадрини, қимматини яхши билади. Уни ўз фарзандини, оиласини яхши қўргандек эъзозлайди. Ерга бутун меҳри, вужудини бериб ишлайди. У ернинг уюволига қолишдан қўрқмайди. Халқимиз «Ер – деҳқоннинг ҳазинаси» деган ҳикмати бежиз айтмаган. Бугун ери бўла туриб, ишсизман, дейишга қўнчилик андиша қилмайди. Бироқ ишонмаски, Қумрабат кишлоғида Суннат ака ва Фароғат опа сингари ердан оқилона фойдаланганлар сони кўпайиб бораверади.



Умид ХУДОЙКУЛОВ
«ISHONCH»



ТОМОРҚА – ХАЗИНА

Боёвтуликларга «Сайхунобод таърибаси» қўл келмоқда

ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ
НОНИ ШИРИН

«Томорқачилик сир-синоатларга тўла юмуш. Ҳар экиннинг ўз табиби, талаби бор. Қичқ бир хато бутун уринишларни барбод қилиши мумкин». Бу – ўз томорқасидан бир йилда бир неча марта ҳосил олиб, уй солиб, тўй қилаётган, талаба фарзандининг контракт пуллари тўлаётган боёвтулик Оллоназар Абдураҳмоновнинг фикрлари.

«Боёвтур» маҳалласидаги 10 сотихли хонадон доимо гуллаб-яшнаб турганига гувоҳ. Бу ерда мевали дарахтларнинг ҳамма турларидан бор. Айни пайтда олма, хурмо, шафтоли, ўрик, олча... Узумларнинг хосилдан шоҳлари эгилиб турибди. Томорқага кеч қузда исмалқ олибди. Киши билан бу сервитамин неъматини пуллаб, ўрнида қалампир, помидор, булғор қалампир қўчатлари етиштирилади. Қўчатлар сотилган, ортганини ту ернинг ўзига эқишади. Ҳам рўзғор олод, ҳам яхшигина даромад.

– Деҳқончилик қиладиган одам «темир тирноқ» бўлиши керак, – дейди хонадон бекаси Матлуба Абдурахмонова. – 3 қиз, 1 ўғлимиз билан ҳаммамиз баравар ҳаракат қиламиз. Эрта туриб, кеч ётамиз. Экканимиз кўқарса – қувонамиз, хосилга кирса – ҳамма чарқоқлар таркаб кетади.

– Самарқанд ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетиде ўқийман, – дея суҳбатга қўшилидан оиланинг тўнғич қизи Мадина ҳон. – Контракт пуллари томорқадан олган даромадимиздан тўлаб таҳсил олайман. Таътил пайтида ота-онамга дала ишларида ёрдамлашаман. Оллоназар Абдурахмонов аёли билан бирга дерхон хўжалиги ташкил этиш учун 1 гектар ерни аукцион орқали ютиб олиб, ярмига буғдой, ярмига картошка эккан эди. Ҳосил яхши бўлди. Уларнинг ўрнига эқилган тарвуз гулга кирди. Тарвуз йиғиштириб олингач, исмалқ эқадилар. Оллоназар Абдурахмонов ернинг хар қарчидан унумли фойдаланадиганлардан. Экинзорининг ўчаларига тут, терак, павловия сингари дарахт қўчатларидан ўтказган. «Ҳадемай соя беради. Ен-атрофимизда камхаржли оилалар деҳқончилик қилишяпти. Шийпонча қуриб, ҳамма дам оладиган жой қилмоқчун», дейди у.

Деҳқончиликнинг меҳнати қаттиқ, нони ширин. Ҳалол пешона тери тўкилган ерлардан эса барақа унади.

ТЎКИН-ТЎКИС ХОНАДОН

«Истиқлол» маҳалласида истиқомат қилувчи Раҳматовлар ҳақиқий ишбилармон тадбиркорлардан. Хонадон шундоққина «Дўстлик» каналининг қирғоғига туташ. Оқар сувнинг сероблиги балиқ етиштириш учун жуда қулай. Бугун ҳовлида катта сунъий ҳовузда харидорбоп зоғора балиқ парваришланмоқда. Мазаси жиҳатидан дарё балиғидан фарқи йўқ. Сабаби, каналнинг тоза оқар суви ҳовузда мунтазам равишда айланиб туради. Раҳматовлар баъзан 8 тоннагача балиқ етиштиришган. Бу борада етарли таъриба бор. Уй бекаси Гулбахор Раҳматова «Оқолтин ўқув маркази» билан ҳамкорликда ўқув курси очиб, балиқчиликка қизиккан маҳаллодошларга уйда сабоқ бермоқда, амалий машғулотлар олиб бормоқда.

– Балиқдан бир йилда икки марта даромад қилса бўлади, – дейди у. – Қўёнчилик ҳам сердаромад соҳа. 10 мингтақал бедана боқдик. Қурқадан катта фойда қўрдик.

Уй соҳибси Фахриддин Раҳматов мактабда она тили ва адабиёт фанидан дарс бериб келарди. Юраги панд бериб, жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказган. II гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Сўнг руҳига осойишталик бағишловчи бирор юмуш билан шуғулланмоқчи бўлиб, балиқчиликни танлади. Ҳўжалиги кенгайиб, бугунги кунда яхшигина даромад манбаига айланди.

Ҳовлиннинг бир четиде 50 дан ортиқ курка боқилапти. Сим тўри катталарда қўнлар у ёндан-бу ёнга чопгани-чопган. Қўра тўла қўй. Икки келин икки хонада тикувчилик билан шуғулланишади. Хар ким ўз юмушини, ўз вазибасини яхши билади. Бирорта бекорчи йўқ. – Хонаки гуллари яхши қўраман, – дейди Гулбахор Раҳматова. – Гулчиликни йўлга қўйиш фикриданман. Олаётган даромадимиздан маҳалла қичқинтойлари учун уйимизда қутбхона ташкил этиб, уни болалар адабиёти билан тўлдириб ниатидамман.

«БИР МАҲАЛЛА – БИР МАҲСУЛОТ»

Туманда «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида муайян экин турлидаги маҳсулотларни етиштиришга ихтисослаштирилган маҳаллалар сони 25 тага, ихтисослаштирилган хонадонлар сони эса 6950 тага етказилди. 13 та маҳалла сабзавотчилик, 4 та маҳалла картошкачилик, 3 та маҳалла полизчилик, 1 та маҳалла мевачилик ва боғдорчилик, 2 та маҳалла резавор мевалар, 2 та маҳалла чорвачилик ва паррандачилик билан шуғуллана бошлади. «Пахтакор» маҳалласидаги хар бир хонадонда иссиқхона бор. Уларда қишин-ёзин бодринг билан помидор етиштирилади. Исмомдин Маждидов 7 сотих иссиқхонасига бодринг эқади.

– Қўчатларни сотиб оламиз. Ҳозирча қўшимча ишчи олишга имкониятимиз йўқ. Аёли билан ўзим ишлайман. 3 боламиз ҳали ёш. Қўшни, қариндош-уруғлар қарашиб туришади. Икки марта имтиёзли кредит олдим. Энди навбатдаги экинни эқиш ҳаракатидамиз, – дейди Исмомиддин.

Айтишиларича, бир маҳалланинг бир маҳсулот етиштириш билан шуғулланиши хар жиҳатдан фойдали экан. Маҳаллодошлар узаро хашар уюштириб бир-бирларига ёрдам беришади, таъриба алмашишади. Аҳил, бирдам бўлиб маҳсулотларни бирварақайига топширишади. Ерни эқишга тайёрлашдан бошлаб, ҳосил йиғимигача елкадош.

Боёвтуда томорқа ер эгаларининг деярли бўш вақтлари йўқ. Улар йил ун икки ой меҳнат билан банд. Меҳнат қилган кишиларнинг уйига эса бахтининг ўзи кириб келаверади.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»



Ёдгор Саъдиев:

ВАТАНСИЗ ОДАМ – БЕЧОРА ОДАМ

Сўхбат



МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 33 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ АРАФАСИДА ТУРИБМИЗ. ЯҚИНДА ДАВЛАТ РАҲБАРНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ УЧ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

УШБУ ҲУЖУМГА КЎРА, ЭНГ АЗИЗ ВА ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМ «БИР БЎЛСАК – ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК – ВАТАНМИЗ!» ШИОРИ ОСТИДА КЕНГ НИШОНЛАНАДИГАН БЎЛДИ. ДАРҲАҚИҚАТ, МУСТАҚИЛЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ. АММО УНИНГ ҚАДРИГА ГОҲ ЕТЯПМИЗ, ГОҲИДА ЙЎҚ. ВАТАН ҲАҚИДА ЮЗЛАБ АСАРЛАР БИТИЛГАН, МИНГЛАБ САТРЛАР ҚОРАЛАНГАН, ЎНЛАБ ФИЛЬМЛАРДА ТУРЛИ ОБРАЗЛАР ОРҚАЛИ УНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ ОЧИБ БЕРИЛГАН. БИРОҚ БИЗ, БАРИБИР, ВАТАННИ ЮРАҚДАН ТАЪРИФЛАШГА, УНИ ШАРАФЛАШГА ИНТИЛАВЕРАМИЗ. АСЛИДА ОНА ТУПРОҚ ХУСУСИДА ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ҚАРАШИ, ТАЪРИФУ ТАСНИФИ БОР. ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ЁДГОР САЪДИЕВ БИЛАН СЎХБАТИМИЗ АЙНИ ШУ МАВЗУ ДОИРАСИДА КЕЧДИ.

– Ёдгор ака, ижодкорлар, ёзувчи-шоирлар юртга ўзгача таъриф беришади. Сиз уни қандай таърифлаган бўлардингиз?

– Ватан бу – ота-боболаримиз, аждоқларимиз яшаб ўтган муқаддас замин! Ватан шундай туйғуки, кўксимизга жо бўлган шу туйғу учун жон бериш ҳам шарафдир. Ватансиз одам – бечора одам. Хизмат юзасидан кўп давлатларда бўламан, аммо орадан ҳеч қанча ўтмай, юртимизни соғиниб қоламан. Эски шаҳарда катта бўлганим учунми димоғимга иссиқ ноннинг хиди етишмаётгандек бўлаверади. Эсимни танибманки, эрта тонгда маҳалламиздан иссиқ ноннинг хиди келиб турарди.

Болалигимдаги Эски шаҳар ҳозир тубдан ўзгариб кетди: текис ва раvon кўчалар, кўркам бинолар... Ҳозирги эски шаҳарда Янги Ўзбекистон кифаси акс этиб турибди. Буни қарангки, болалигим ўтган жойларга борсам, таниш хид димоғимга урилгандек бўлади ва мен юртимнинг ёқимли ифори туюман.

Ватан ҳақида гап кетганда, мана бу мисралар ёдимга тушади ва улар менинг кечинмаларимни тўла-тўқис ифодалайди:

Агар сен бугдой-бошоқ бўлсанг, сомонингман, Ватан. То абад бошинг омон бўлсин, товонингман, Ватан. Бўлмасин оворо ёв, ойболма қайраб юртим, Ёв учун мангу ўтиб бўлмас довонингман, Ватан.

Аслида Ватан ҳақида узундан-узок нутқ ирод этишга ҳечам ҳожат йўқ. Биргина тўртлик ёки топиб айтилган ибора одамга, юракка бошқача таъсир қилади.

– Тўғри. Лекин орамизда шундай инсонлар борки, Ватанни мадҳ этсангиз, дарров маддоҳликка йўйишади.

– Ундайлар ҳар доим бўлган ва уларнинг гап-сўзларига кўпам эътибор бермаслик керак. Она тупроқ, шонли юрт шаънига истаганча яхши гапларни айтиш лозим ва бу маддоҳликка кирмайди. Бу онасининг меҳнати, машаққатлари эвазига бирор-бир даражага эришган оқил фарзанднинг онасига эътирофидек гап аслида.

– Афсуски, орамизда кўксига уриб, «Ватан, ватан...» дейдиганлар, аммо юрт бошига иш

тушса, унинг қорига яраш ўрнига ундан мудом кир ахтарадиганлар ҳам йўқ эмас...

– Гапингизда жон бор. Билмадим, балки бундай тоифадаги одамлар қандайдир илнжда шу ишни ўзларига эп кўришар.

Раҳматли онам «Болам, юртинг, оилаңг, касбинг ва дўстингга ҳеч қачон хиёнат қилма», деб бот-бот такрорларди. Волидамнинг ҳеч эсдан чиқмайдиган бу панд-насиҳатига амал қилиб келяман.

Бизнинг юртимиз, бу замин – дунё тан олган алломалар макони. Улар ҳеч қачон ўз юртдан нолимаган, аксинча, эл-юрт, халқ учун бутун ҳаётини бағишлаган. Масалан, буюк саркарда Амир Темур бобомизни олайлик.

Бир вақтлар театримизда Усмон Азимнинг «Адолат фасли» номли драмаси сахналаштирилган эди. Спектаклда каминана Амир Темур кифасини гавдалантириш насиб этганди. Бош қаҳрамоннинг сўзлари халигача ёдимда:

«Адолатсизликдан азият чеккан инсоннинг қарғишини Аллоҳ таоло шаксиз қабул қилгай. Салтанатнинг ривожи, юртнинг ободлиги, элнинг фаровонлиги фақат адолат туфайлидир. Адолат барқарор юртга Парвардигор барака уруғини сочади. Бу юрт кўкарсин, гуллаб-яшнасин. Эй, Парвардигори олам, мулки Турон салтанатига адолат ҳаммаша ёр бўлгай!»

Шундан келиб чиқиб, айтадиган бўлсам, бугун мамлакатимизга Шавкат Мирзиёев бош экан, Янги Ўзбекистонимизда ҳаммаша адолат тантана қилгай.

– Бу гапларингизни айримлар баландпарвозликка йўйиши мумкин...

– Мен бундай деб ўйламайман. Бугун мамлакатимиз тубдан ўзгарди. Одамлар ҳаётида кўп ва хўп ижобий ўзгаришлар рўй бермокда. Буни тан олмаслик адолатдан эмас. Кимлар учунди ўтмишни эсдан чиқариш осондир, аммо мен учун эмас. Бугунги туб ислохотлар бир шахсинг иродаси билан амалга ошириляётгани айна ҳақиқат.

– Буни тан олмаётганларда балки ватанпарварлик туйғуси етишмас...

– Шундай бўлиши мумкин. Назаримда, охириги вақтларда айримларда ватанпарварлик бироз сусайгандек. Юрт ҳақида дилдан гапирсангиз, маддоҳга чиқарадиганлар ҳам топил-япти.

Аслида кимнингдир қандайдир ноҳақликка йўлиқиб, юртдан кўнгли совийшига Ватан айбдор эмас. Ватан ҳеч қачон ўз фарзандига пичоқ санчмайди. Кимнингдир адолатсизликка дуч келиши унинг хатти-ҳаракати ёки шахслар билан боғлиқ ҳолат. Шу боис киндик қон тўкилган маскани ёмонлаб, айблаб бўлмайдди. Ватандан гина қилишга ҳақимиз йўқ.

– Ватандан талаб қилишдан олдин унга бир нима бериш керак дейсангиз-да...

– Яшанг, кўнглимдаги гапни топиб айтдингиз. Одам энг аввало, Ватан менга нима берди деб эмас, аксинча, мен унга нима бердим, деб ўзини қийнаса, тўғри бўлади.

Ёшимиз ҳам анча улғайиб қолди. Маълум бир йўлни, даврни босиб ўтдик. Шу кунгача нималар қилдим, қандай ютуқларга эришдим, элга, миллатга нафим теяпгимми, деб ўзимга кўп савол бераман. Шукр, халқ учун қўлдан келганча хизмат қилдик. Лекин бу ҳамма мақсадимга тўла-тўқис эришдим, дегани эмас. Фарзанд ўз ота-онасига қанча яхшилик қилмасин, уларнинг олдидаги қарзини узоқламагандек, Ватан қорига ҳар қанча ярамайлик, шунча оздек туюлаверади.

2023 йилда «Хамдўстлик юлдузи» давлатлараро мукофотига лойиқ кўрилдим. Аслида бу миллий санъатимиз ва Ўзбекистонимизнинг яна бир бор тан олиниси, эътироф этилишидир.

Шундай бўлса-да, юрагимнинг туб-тубидан менга кўп яхши кунларни тортиқ этган юрт олдида қарзим кўпчилигини ҳис қиламан. Токи, юрак уриб турар экан, муқаддас юрт қорига ярашга доим тайёрман. Биз бахтли одамлармиз, чунки шундай кўрғонда тугилдик. Тилагим – Ватан омон бўлсин!

Фурсатдан фойдаланиб, бутун халқимизни байрам билан чин қалбимдан табриқлайман. Илоҳим, эл-юрт равнақи, инсон қадрини улуғлаш йўлида олиб бориляётган ишлар баракали ва бардавом бўлаверсин!

«ISHONCH» мухбири
Фулумжон МИРАҲМЕДОВ
сўхбатлашди



АЁЛ КИШИ УЙДА ҲАММА ЮМУШЛАРГА УЛГУРИШИ КЕРАК: УЙ ТОЗАЛАШ, КИР ЮВИШ, ДАЗМОЛ ҚИЛИШ, ОВҚАТ ПИШИРИШ, ИДИШЛАРНИ ЮВИШ, АГАР КИШЛОҚДА ЯШАСА, ҲОВЛИНИ СУПУРИБ-СИДИРИШ, МОЛЛАРГА ЕМ-ХАШАК БЕРИШ, ТОМОРҚАДА ИШЛАШ, ТАОМ ТАЙЁРЛАШ, НОН ПИШИРИШ... ХУЛЛАС, РЎЗҒОР ИШЛАРИ КЎП. АЁЛ УЛАРНИ БАЖАРАЁТГАНДА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТАДИ?



ТОКИ ОРТИҚЧА ЮК КАМАЙМАС ЭКАН..

Бунинг йўли осон, яъни болаларининг қўлига телефонни тутқазиб-да, ишларини давом эттиради. Ўз дилбандининг кўз нуруни, ақлий ривожланишини гаровга қўйиб, оиладаги «катталар»нинг талабларини бажариш билан шуғулланади. Чунки агар шундай қилмаса, юмушлари эртанги кунга қолиб, икки баробар кўпаяди ёки

бўлмаса, оила бошлиқларидан болага қолади.

Бугун минглаб болалар телефонга «беланмокда». Ҳолбуки, кичкинтойнинг экранга термулиб ўтириши зарарли эканлиги ҳақида бошқаларга қараганда, оналар кўпроқ маълумотга эга бўлишади. Аммо турмуш, шарт-шароит тақозоси билан улар боласининг қўлига теле-

фон тутқазишга мажбур бўлишмокда. Баъзи оилаларда катталар ёки эрақлар жиллакурса ярим соат болани овутишга тоқат қилишолмайди, рўзғор ишида кўмаклашиш эса уларнинг етти ухлаб тушларига ҳам кирмайди.

Яқинда Буюк Британия қиролчаси Елизавета II ҳақида қизиқарли маълумот ўқиб қолдим.

Унинг турмуш ўртоғи шахзода Филипп йирик ҳарбий флот сардори бўлишига қарамай, дам олиш кунлари болаларига қараш, уй-рўзгор юмушларида рафиқасига ёрдамлашиш билан шуғулланган экан. У буни ўз аёли ва оиласи олдидаги бурчи деб билган.

Қизик, тахт ворисига рўзгор ишларида кўмаклашадиган ўнлаб

хизматкорлар, болаларига қарайдиган энага-ю ўқитувчилар бўлмаган, деб ўйлайсизми? Бўлган. Яна шуниси аниқки, бўлғуси қиролича турмуш ўртоғининг бу каби ёрдмларига ҳеч эҳтиёж сезмаган. Аммо мана шу аризмасдек кўринган қўлаб-қувватлаш унга жуда катта руҳий қувват берган, оила мустаҳкамлиги учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилган.

Таассуфки, айримлар атрофимизда содир бўляётган ибратли воқеалардан сабоқ олиш ўрнига, «Аёл киши рўзғорни эплаши, болага қараш керак, у шунга мажбур» деган аҳоқона стереотипларга ёпишиб олган.

Биласизми, аёл келин сифатида қайнонасининг, она сифатида фарзандларининг, хотин сифатида турмуш ўртоғининг ҳамма талабларини бажариб, елиб-югуриб хизматини қилиши зарур, деган нотўғри қарашлар аслида, баъзи кимлар томонидан ўз табиатидаги қусурларни хаспўшаш мақсадида ўйлаб топилган, холос.

Хулоса шуки, агар оналар учун оилада яхши шароитлар яратилмаса, баркамол авлодни тарбиялаш ҳақида гапириш ортиқча. Биз, боғча ва мактаб таълимини мукамал даражада ривожлантирмайлик, аммо қачонки, оналар елкасига ортिलाётган юкни камайтирмас эканмиз, авлодлар тарбияси хаминқадар бўлиб қолаверади!

Дилнора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»



МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5009
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetolari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALIMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir Husan ERHATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Bukhoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: S. Abdurahmonov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:00 Topshirildi – 23:20

Bahosi kelishilgan narxda Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Bukhoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahiflandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 34 226 ta

Shundan: 7 150 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 677 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitemen ko'chasi, 270-uyda;

8 399 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«B» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-811